

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШОДИЕВ БЕКЗОД ТҮЛҚИНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА  
ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
economic sciences**

**Шодиев Бекзод Тўлқинович**

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида қоракўлчилик тармоғининг самарадорлигини ошириш ..... 3

**Шодиев Бекзод Тўлқинович**

Повышение эффективности каракулеводческой отрасли в условиях модернизации сельского хозяйства..... 27

**Shodiev Bekzod Tulkinovich**

Increasing the efficiency of astrakhan industry branch in the condition of modernization of agriculture ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХҰЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛЫ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТІСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШОДИЕВ БЕКЗОД ТҮЛҚИНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА  
ҚОРАҚҮЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ**

**08.00.04 – Қишлоқ хұжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бүйіча фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нұкус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Iqt97 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Фарманов Тўлқин Хайитмуродович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мусагалиев Ажинияз Жумагулович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Нуриллаев Жамол Ярашевич**  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент в.б.

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд ветеринария медицинаси институти**

Диссертация химояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD03/30.01.2020.I.20.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230113, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел. (998 61) 223-60-78; факс: (998 61) 223-59-25; e-mail: [info\\_karsu@edu.uz](mailto:info_karsu@edu.uz)

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230113, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел: (99861) 223-60-78; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: [info\\_karsu@edu.uz](mailto:info_karsu@edu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**К. Убайдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.К. Алымов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

**Т. Досчанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Қоракўлчилик хўжаликларида 1990 йилларгача қоракўл маҳсулотининг йирик бозори ҳисобланган сабиқ Иттифоқ ва Европа давлатлари истеъмоли учун маҳсулот етиширилган. Ҳозирги вақтда дунё бўйича элликка яқин давлатларда, жумладан, Эрон, Афғонистон, Намибия, Жанубий Африка Республикаси, Ўрта Осиё Республикалари, Россия Федерацияси, Молдавия ва Украина давлатларида яйлов чорвачилиги, жумладан қоракўлчилик билан шуғулланишади ва қоракўл қўйларининг сони 31 млн. бошни ташкил қиласди. Жаҳонда табиий мўйна – қоракўл терилари бозорларининг ёпилиши ва уларга бўлган талабнинг кескин камайиб кетиши қоракўлчилик хўжаликларининг даромадларини пасайишига, қоракўл тери, жун ва қоракўлча каби миллий ардоқланиб келинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш самарасиз бўлишига, ва аксинча қоракўл териларини сифатини ошириш ҳамда қоракўл қўйларини кўпайтиришга бўлган манфаатдорликни кескин пасайтириди.

Яйлов чорвачилигини ривожлантириш чўл–яйлов худудларида яшайдиган аҳолининг ижтимоий – иқтисодий турмуш даражасини оширишга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилишини ҳам талаб қиласди. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатимизнинг чўл–яйлов худудларидаги глобал муаммоларга боғлиқ тармоқларни ривожлантиришнинг ижобий ечими сифатида замонавий инновацион йўналишларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди ва бу йўналишда «аксарият минтақаларда тупроқ емирилиб, унумдор ерлар қисқариб бормоқда, чўлланиш, сув тақчиллиги, қурғоқчилик, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммога айланмоқда. Мамлакатимизда "персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги" концепциясини ишлаб чиқиша ҳамкорлик қилиш таклиф этилди»<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда мавжуд қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, жумладан чўл–яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ва қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушкини кенгайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналари даромадини янада ошириш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Аммо, қоракўлчилик тармоғида иқтисодий, институционал, таркибий ва эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан, тармоқ иқтисодиёти барқарор ривожланмасдан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлиги паст ҳамда молиявий жиҳатдан ночор хўжаликлар сифатида қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ва 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи. <https://aza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-islo-10-09-2017>

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6059-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартағи «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3603-сон, 2019 йил 16 августдаги «Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4420-сон, 2021 йил 9 февралдаги «Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4984-сонли ва 2021 йил 8 июлдаги «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5178-сонли қарорларида наслчилик қоракўлчилик хўжаликларида ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий муносабатларни такомиллаштириш асосида тармоқ иқтисодиётини барқарор ривожлантириш борасидаги тадбирларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикаизда яйлов чорвачилиги тармоғини модернизациялаш, унинг ўзига хос хусусиятларига хос иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг назарий - амалий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Фармон ва Қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатларида, соҳа олимлари ва мутахассислари билан учрашувларда билдирилган фикрлари, илмий асарлари ҳамда маъruzаларида баён қилинган.

Қоракўлчилик тармоғини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқариш, яйлов-чўл худудларида чорва молларини сақлаш, озиқлантириш, парваришлаш ва бошқа замонавий талаблар асосида иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича хорижлик етук олимлар М.А.Виноградова, Ш.Р.Херремов<sup>2</sup>, О.Аннагельдыев, О.Аннамухаммедов<sup>3</sup>, Х.Укибаев<sup>4</sup>, Т.Ж.Нурумбетов<sup>5</sup>, Н.З.Шамсутдинов<sup>6</sup>, шунингдек, республикаизнинг етакчи аграр иқтисодчи олимлари, жумладан, Т.С.Маллабоев, Р.Х.Хусанов,

<sup>2</sup> М.А.Виноградова, Ш.Р.Херремов, А.С.Розыев. Некоторые элементы технологии пустынного каракулеводства Туркменистана. [http://base.dnsgb.com.ua/files/journal/201111\\_03\\_077-080.pdf](http://base.dnsgb.com.ua/files/journal/201111_03_077-080.pdf);

<sup>3</sup> О.Аннагельдыев, О.Аннамухаммедов. Первый Доклад о состоянии генетических ресурсов сельскохозяйственных животных в Туркменистане. Ашгабат-2004. Ассоциация животноводческих акционерных обществ Туркменистана «Туркменмаллары», НИИ Животноводства и ветеринарии, Национальный консультативный комитет по генетическим ресурсам животных (ФАО);

<sup>4</sup> Х.Укибаев. Почему каракулеводство стало «судавкой» для сельского хозяйства? <https://kursiv.kz/news/vlast-i-biznes/2018-08/pochemu-karakulevodstvo-stalo-udavkoy-dlya-selskogo-khozyaystva>;

<sup>5</sup> Т.Ж. Нурумбетов. Увеличение производства каракуля – основа развития легкой промышленности Республики Казахстан. Ж.: Технология текстильной промышленности. 2019 № 1 (379), 261-265 стр.;

<sup>6</sup> Шамсутдинов Н.З. Естественные кормовые ресурсы аридных областей Средней Азии: перспективы использования их в фитомелиорации и селекции. Монографии «Кормовые растения сенокосов и пастбищ СССР», 303-310 стр.;

Ф.К.Қаюмов, Ф.Ж.Жўраев, Т.Х.Фарманов ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган<sup>7</sup>.

Бундан ташқари, 1990 йиллардан сўнг Т.Я.Нуримбетов, Х.Кувноқов, Ж.Я.Нуриллаев, А.Р.Базаров, Ҳ.Н.Бахронов ва бошқалар қоракўлчилик тармоғида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар<sup>8</sup>.

Шу билан бирга, иқтисодий субъектларда самарадорликни оширишнинг солик масалаларига оид тадқиқотлар Қорақалпоғистонлик олим и.ф.д., проф. А.Ж.Мусагалиев томонидан амалга оширилган<sup>9</sup>.

Хозирги вақтда ушбу илмий-тадқиқот ишларидан ташқари қоракўлчилик тармоғининг турли йўналишлари билан боғлиқ долзарб муаммолар муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар қабул қилинмоқда<sup>10</sup>.

Мазкур олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари асосан 2000 йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ масалалар, жумладан Собиқ Иттифоқ давридан фаолият кўрсатиб келаётган қоракўлчилик давлат наслчилик заводларини бирлашма ёки уюшмаларга айлантириш, қоракўлчилик тармоғида мулкий ва ер пайларига асосланган қоракўлчилик ширкат хўжаликларига қайта ўзгартиришгacha қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Республикамиз иқтисодиётини модернизациялаш, қишлоқ хўжалигида кластер ва кўп тармоқли фермерликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари мустақиллигини кенгайтириш ва бошқа йўналишлар бўйича «Йўл хариталари», Концепциялар, манзилли Дастурлар ва мақсадли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо, тармоқ иқтисодиётини барқарор ривожлантириш бўйича муайян вазифалар амалиётга жорий қилинаётганлигига қарамасдан, қоракўлчилик тармоғида яйловлардан самарали фойдаланиш, унинг биохилма-хиллигини сақлаш; сифатли ва

<sup>7</sup> Маллабоев Т.С. Чорвачиликда интенсивлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлиги. – Т.: Ўзбекистон, 1972 й. – 45 бет. Ҳусанов Р.Ҳ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати – Т.: Қатортол-Камолот 1999 й. – 56 б. Каюмов Ф.К., Ким В.И., Алибаев И. Пути ликвидации убыточности каракулеводческих хозяйств и перспективы перевода их на самоокупаемость и самофинансирование (обзор). Т. УзНИИИНТИ. 1988 г. 32 с. Жўраев Ф.Ж. Ўзбекистонда қоракўлчиликнинг ривожланиши – Т.: Ўзбекистон, 1983. – 102 бет. Фарманов Т.Х. Повышение эффективности каракулеводства южной зоны Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Т.: 1989 г.

<sup>8</sup> Нуримбетов Т.Я. Экономика каракулеводства. – М.: Агропромиздат. 1987. – 104 с. Каюмов Ф.К., Кувнаков Х.К., Фарманов Т.Х. Каракулеводческий подкомплекс и его роль в формировании конъюнктуры рынка – Т.: 1993 г. – 96 с. Нуриллаев Ж.Я. Қоракўлчилик кўйи мажмууни ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Дис... иқтисод фанлари номзоди. / Бозор иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти. – Тошкент, 1998. – 146 б.; Баҳронов Ҳ.Н. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш рентабеллигини ошириш (Ихтисослашган ширкат хўжаликлари мисолида): Дис... иқтисод фанлари номзоди. – Т.: 2001. Базаров А.Р. Қоракўлчилик ширкатларида ички хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш: Дис... иқтисод фанлари номзоди. – Тошкент, 2002. – 133 б.; Тўраев П. Сур қоракўл кўйларини экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга селекциялаш.: Дис... к/х фанлари номзоди. – Самарқанд, 2009. – 104 б.;

<sup>9</sup> Мусагалиев А.Ж. «Минтақа бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни соликقا тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш йўллари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси (DSc) автореферати. – Тошкент, ТМИ. 2019. – 66 б.;

<sup>10</sup> Зиёдинов М. Қоракўлчиликни ривожлантириш йўлида: // Олий Мажлис Сенатининг кўчма йиғилиши // Қишлоқ ҳаёти. –2006, 22 август; Мадаминов К. Қоракўлчилик: кеча, бугун, эртага. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –2007, –№6. –Б.13-14.;

рағбатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши рағбатлантириш асосида чорвадорлар манфаатдорлигини ошириш, уларда мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш; инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш, ўзаро муносабатларда ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни такомиллаштириш асосида замонавий кластер ва кооперацияга асосланган ҳамкорлик тизимларини шакллантириш долзарб муаммолар сифатида юзага чиқмоқда.

Мавжуд ҳолат пировард натижада мамлакатимиз қоракўлчилик хўжаликлари бўйича алоҳида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва тармоқни иқтисодий барқарор ривожлантиришга қаратилган, илмий-амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши талаб этди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-2018-07495846 «Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотниң мақсади** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қоракўлчилик тармоғининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

**Тадқиқотниң вазифалари:**

қоракўлчилик тармоғини ривожлантириш ва яйловлар биохилма-хиллигини сақлаш тадбирларини уйғунлашган ҳолда бошқаришининг аҳамияти ва долзарблигини назарий жиҳатдан асослаш;

тармоқда олиб борилаётган ислоҳот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ва улар асосида тармоқни таркибий ҳамда иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқарувида бозор тамойилларини шакллантириш, институционал ҳамда ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

қоракўлчилик хўжаликлари ва инфратузилма субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

тармоқда замонавий кластер тузилмаларини ташкил қилиш асосида инновацион технологиялар ва ресурстежамкор ишланмаларни жорий қилиш бўйича илмий – амалий асосланган таклифлар ишлаб чиқиши;

яйлов ҳосилдорлигини ошириш ва биохилма-хилликни сақлаш асосида тармоқ самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиши;

тармоқ иқтисодиётини эркинлаштириш асосида фермер хўжаликларини ривожлантиришда тармоқда мулкка эгалик ҳисси, сифатли маҳсулот етиштириш ва якуний меҳнат натижалари бўйича моддий манфаатдорлик ҳамда рағбатлантириш тизимларини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши;

яйловларнинг табиий ҳосилдорлигини ошириш ва ундан жамоа бўлиб ҳамкорликда фойдаланиш, моллар маҳсулдорлигини кўпайтиришга қаратилган илмий-амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган қоракўлчилик наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари ва фермер хўжаликлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** қоракўлчилик наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари ва фермер хўжаликлирида самарадорликни ошириш ҳамда уларни иқтисодий барқарор ривожлантириш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида абстракт-мантиқий фикрлаш, иқтисодий таҳлил, статистик гурухлаш, қиёсий ва тизимли таҳлил, монографик кузатиш, SWOT таҳлил ва тақослаш усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

қоракўлчилик хўжаликлари, маҳаллий чорвачилик фермер ва дехқон хўжаликларини яйловлардан шартнома асосида режали, мақсадли, тизимли ва ҳамкорликда фойдаланиш асосида бирлаштириб, қоракўлчилик тармоғининг самарадорлигини ошириш мақсадида “Яйловлардан фойдаланувчилар уюшмалари”ни ташкил қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ихтисослашган қоракўлчилик кластерлари, қоракўлчилик наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари ва фермер хўжаликлари тасарруфида бўлган яйлов ерларидан уйғунлашган ҳолда барқарор самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида республикада “Яйлов экотизимини тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси”ни ташкил қилишнинг объектив зарурияти, ижтимоий-иқтисодий ва экологик аҳамияти илмий-амалий жиҳатдан асосланган;

қоракўлчилик хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимидағи хўжалик субъектларини бирлаштириб, кооперация асосида фаолият кўрсатишга ихтисослашган қоракўлчилик кластерларини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Қашқадарё вилоятининг қоракўлчилик хўжаликлари фаолиятини модернизациялаш ва қоракўлчилик соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2021-2030 йилларга мўлжалланган истиқболли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва илмий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

қоракўлчилик тармоғини модернизациялаш ва ижтимоий-иқтисодий-экологик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг назарий асослари, тармоқ самарадорлигини оширишнинг қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек қоракўлчилик хўжаликларида чорвачилик ва яйловларни самарали бошқариш тамойиллари ишлаб чиқилган;

қоракўлчилик иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнини маҳсулот ишлаб чиқариш ва тармоқ самарадорлигига таъсири, тармоқ ва инфратузилма субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда томонлар манфаатдорлигини таъминлаш ва яйловлардан жамоа сифатида самарали фойдаланиш асосида озуқа таъминоти ва биохилма-хилликни сақлаш тўғрисида илмий-амалий жиҳатдан асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

қоракўлчилик кластерларини ривожлантириш асосида тармоқда қўшилган қиймат занжирини кўпайтириш, қоракўлчилик фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда қоракўлчиликда ички хўжалик шартнома муносабатларини эркинлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот обьектлари доирасида амалга оширилган илмий изланишларда тадқиқот усулларидан тизимли фойдаланилганлиги, изланишда қўлланиладиган услубий ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг якуни бўйича ишлаб чиқилган илмий хуросалар, таклиф ва тавсиялар ишончли ҳамда адолатли эканлиги ҳамда манфаатдор ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар қоракўлчилик наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятини модернизациялаш ва бозор тамойилларини шаклантириш, қоракўлчилик тармоғини замонавий бошқариш, мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини техник ва технологик жиҳатдан замонавийлаштириш, яйлов ҳудудларининг экотизими ва биохилма-хиллигини сақлаш, яйлов чорвачилигига банд бўлган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва турмуш даражасини яхшилаш бўйича илмий ва назарий қарашлар ҳамда ғояларни янада бойитишга ҳисса қўшади.

Мазкур тадқиқот ишининг амалий аҳамияти қоракўлчиликка ихтисослашган кластерлар, қоракўлчилик наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари, яйлов чорвачилиги фаолият кўрсатаётган қишлоқ туманлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси ҳамда манфаатдор бошқа идоралар ва ташкилотлар томонидан қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича мақсадли концепция, дастур ва маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиша кенг миқёсда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, илмий-амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялардан олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари талабалари учун тармоққа оид «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти», «Кооперация ва интеграция» ва «Агрологистика» каби фанлардан ўқув дастурлари ва ўқув, ўқув-услубий ишларни тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида қоракўлчилик тармоғининг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

наслчилик қоракўлчилик хўжаликларида яйловларнинг табиий ҳосилдорлигини ошириш, маҳаллий ҳамжамият ва бошقا хўжалик субъектларни яйловлардан шартнома асосида режали, мақсадли, тизимли ва ҳамкорликда фойдаланиш ҳамда қоракўлчилик тармоғининг самарадорлигини ошириш мақсадида “Яйловлардан фойдаланувчилар уюшмалари”ни ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2011 йил 2 июндаги 02/18-сон ҳамда Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг 2021 йил 21 июндаги 41/01-483-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларни амалиётга жорий қилиниши натижасида яйловларнинг табиий ҳосилдорлигини ошириш йўллари аниқланди ва ундан жамоа бўлиб ҳамкорликда фойдаланишга, ҳамда қоракўлчилик тармоғида моллар маҳсулдорлигини 10-15 фоизга кўпайтиришга имконият яратган;

наслчилик қоракўлчилик хўжаликлари, фермерлар ва заҳирада бўлган яйлов ерларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича мажмуавий тадбирлар, жумладан “Яйлов экотизимини тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси”ни ташкил қилиш, наслчилик қоракўлчилик хўжаликлари, фермерлар ва заҳирада бўлган яйловлардан фойдаланишда уйғунлашган режалаштиришни бошқариш механизмини жорий қилиш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қашқадарё вилояти “Қоракўл” уюшмаси ва Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2019 йил 14 октябрдаги 01/04-2855-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 14 октябрдаги 02/23-516-сон, Қашқадарё вилояти “Қоракўл” уюшмасининг 2019 йил 16 октябрдаги 01-10-123-сон ва Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг 2019 йил 28 декабрдаги 39/01-235-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф ва тавсиялардан республикамизда яйлов чорвачилигини, шу жумладан қоракўлчилик тармоғи самарадорлигини 15-20 фоизга ошириш билан биргаликда, яйловларда ўсимликлар биохилмаҳилликни сақлаш ва ривожлантириш ҳамда уларни иқтисодий жихатдан барқарор фаолият кўрсатиши орқали маҳсулот таннархини 8-12 фоизга пасайтириш имконини берган;

қоракўлчилик хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимидағи хўжалик субъектларини ихтисослашган қоракўлчилик кластерларига кооперация асосида бирлаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлари Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси томонидан амалиётга жорий қилинган

(Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг 2021 йил 21 июндаги 41/01-483-сон маълумотнома). Ушбу таклифларни жорий қилиниши қоракўлчилик хўжаликларида ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилади, қишлоқ худудларида меҳнатга қобилиятли ёшлар доимий иш билан таъминланади, энг асосийси қоракўлчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлик даражасини 8-12 фоизга оширишга шарт-шароитлар яратиб берган;

Қашқадарё вилоятининг қоракўлчилик хўжаликлари фаолиятини модернизациялаш ва қоракўлчилик хўжаликларини ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг 2021–2030 йилларга мўлжалланган истиқболли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқилиши ва илмий жиҳатдан асосланиши натижасида - қоракўлчилик хўжаликлари фаолиятини модернизациялаш ва қишлоқ худудларини ижтимоий–иқтисодий ривожланишини прогноз қилиш тўғрисидаги таклифлар Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг 2021 йил 21 июндаги 41/01-483-сон маълумотнома). Ушбу таклиф қоракўлчилик хўжаликларида ва хизмат кўрсатувчи субъектларни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқишида меҳнат сарфини камайтиришга имкон яратиб, хизматлар кўрсатиш субъектлари фаолияти самарадорлигини 20 фоизгача ошириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг илмий натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, шундан 10 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий матни 145 бетдан иборат бўлиб, унда 9 та жадвал, 15 та расм ва 17 та иловалар берилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмida диссертация ишининг мавзусини долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш даврида қоракўлчилик тармоғида самарадорликни оширишнинг

**назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида қоракўлчилик тармоғини модернизациялаш ва ижтимоий-иктисодий-экологик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг назарий асослари, тармоқ самарадорлигини оширишнинг қишлоқ худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек қоракўлчилик хўжаликларида чорвачилик ва яйловларни самарали бошқариш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Қоракўлчилик тармоғида мулкчилик ва хўжалик юритишнинг замонавий шакларини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ҳамда хуқуқий механизмлари такомиллаштирилиб, бозор муносабатларига мос модернизация тадбирлари олиб борилмоқда. Қоракўлчилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий механизмларини, шунингдек, шу давргача олиб борилган ислоҳотлар жараёни таҳлил қилиниб, уларни шартли равишда беш босқичга бўлиб тавсифланди (1-расм).


Қадимдан чўл худудларида яшайдиган маҳаллий аҳоли чорва молларини яrim кўчманчилик усулида боқиб, яйловлар доимо мавсумий алмашиниб турилган, яъни яйловларни доимий равишда қайта тикланиши таъминланган.

Хозирги кунда аҳоли асосан қишлоқ (посёлка) худудларида доимий турғун яшаётганлиги сабабли улар томонидан қишлоқлар ва қудуқлар атрофларидағи яйловларга бўлган тазиик, яъни мавжуд ўсимлик дунёсини йўқ қилиш ҳолатлари ўта кўпаймоқда.

Тадқиқот жараёнида яйловлардан фойдаланиш ва қоракўлчилик хўжаликларининг самарали фаолият кўрсатишига таъсир қиласидиган омиллар таркиби таҳлил қилинди ва қуидаги омиллар, жумладан, тармоқдаги институционал омиллар; тармоқ худудидаги ижтимоий, маданий ва иқтисодий омиллар; тармоқда меҳнат қилаётган (тармоқ фаолият кўрсатаётган худудда яшаётган) аҳолини турмуш яшаш даражаси; тармоқда мавжуд инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва ердан фойдаланиш омили; тармоқ фаолияти билан боғлиқ биофизик ва экологик омиллар тармоқни барқарор ва изчил ривожлантириш жараёнларига тўғридан – тўғри таъсир қилишини аниқланди.


Қоракўлчилик тармоғини иқтисодий барқарор ривожлантириш, мавжуд табиий ресурслардан самарали фойдаланиш учун энг асосий омиллар – қоракўлчилик тармоғини самарали бошқариш (замонавий менежмент) талаб қилинса, иккинчи томондан, тармоқ учун зарур бўлган яйлов ерларидан фойдаланишни биргаликда самарали бошқариш, бу иккала асосий бош талабларни уйғунлашган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг бир груп олимлари томонидан қоракўлчилик хўжаликларида «Чорвачилик тармоғини самарали бошқаришнинг уйғунлашган тамойиллари» ишлаб чиқилган ва ушбу тамойиллар моллар маҳсулдорлиги юзасидан мониторинг; наслчилик бўйича тадбирлар; озиқлантириш ва профилактик тадбир ҳамда ахборот-ресурс таъминоти ва маркетинг тадқиқоти каби йўналишларини ўз ичига олади.



**1-расм. Қоракўлчилик хўжаликларида иқтисодий ислоҳотларнинг босқичлари<sup>11</sup>.**

<sup>11</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.




**2-расм. Коракўл наслчиллик хўжаликларида «Чорвачилик тармоғини самарали бошқарининг ўйгунилашган тамойиллари»<sup>12</sup>**

<sup>12</sup> Муаллифнинг илмий-тадқикот ишларининг натижалари асосида янгилиниб, бойитилган ва қайта ишланган.

Тадқиқот натижаларимиз ва монографик кузатишларимизга кўра, ушбу тамойиллар таркибига - «Иқтисодий рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлаш» тамойилини қўшиш мақсадга мувофиқ. Чунки, «Иқтисодий рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлаш» тамойилида белгиланган вазифаларни қўлламасдан бошқа зарур тадбирларни самарали амалга ошириш, пировард натижада эса рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бирмунча мураккаб бўлади (2-расм).

Қоракўлчилик тармоғини самарали бошқариш ушбу тармоқ фаолияти учун зарур бўлган яйловларнинг ҳолати, уларда ўсимликлар дунёси, айниқса бўта, ярим бўта ва бошқа турдаги ўсимликлар, жумладан чорвачилик учун озуқа экинлари, доривор гиёхлар, Қизил китобга кирган ўсимликларни саклаш, улар билан яйловни қопланиш даражасига боғлиқ.

Республикамизнинг катта ҳудудини эгаллаган, сурункали қурғоқчилик кузатилаётган, чўлланиш ва таназзуллик хавфи юқори бўлган яйловларимизни тиклаш, экотизим ва биохилма-хиллигини саклаш ҳамда ривожлантириш каби йирик тадбирларни ишлаб чиқиш ва самарали молиялаштириш механизмини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси ҳузурида «Яйлов экотизимини тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси»ни ташкил қилиниши илмий жиҳатдан асосланди ва бу жамғарманинг ташкилий тузилмаси лойиҳаси ишлаб чиқилди (3-расм).



**3-расм. Яйлов экотизими тиклаш ва ривожлантириш жамғармасининг ташкилий тузилмаси<sup>13</sup> (тавсиявий).**

<sup>13</sup> муаллифнинг илмий-тадқиқот ишларининг натижалари асосида ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Қоракўлчиликда ислоҳотлар жараёни ва уларни тармоқ ривожига таъсири» деб номланган иккинчи бобида қоракўлчилик иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнини маҳсулот ишлаб чиқариш ва тармоқ самарадорлигига таъсири, тармоқ ва инфратузилма субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда томонлар манфаатдорлигини таъминлаш ва яйловлардан жамоа сифатида самарали фойдаланиш асосида озуқа таъминоти ва биохилма-хилликни сақлаш тўғрисида илмий-амалий жиҳатдан асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Яйлов чорвачилиги ҳисобланадиган қоракўлчилик тармоғи асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятларининг яйловларида фаолият кўрсатиб, бу худудларда 2020 йил 1 январ ҳолатига 2 млн. бошга яқин қоракўл қўйлари 10589,9 минг гектардан ортиқ яйловларда боқилади. Ушбу минтақаларда истиқомат қилаётган 2 млн.дан ортиқ аҳолининг асосий даромад манбаи шу тармоқнинг фаолиятига, қишлоқ худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожи наслчиллик қоракўлчилик хўжаликларининг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Қашқадарё вилоятида 2017 йилда 19 та қоракўлчилик ширкат хўжаликлари ислоҳ қилинди, яъни 10 та қоракўлчилик ширкат хўжаликлари таркибий ўзгаририлиб, тарқатиб юборилди ва улар негизида 106 та қоракўлчилик фермер хўжаликлари ташкил қилинган бўлса, 9 та қоракўлчилик ширкат хўжаликлари негизида қоракўлчилик наслчиллик масъулияти чекланган жамиятлари ташкил қилинди.

Қоракўлчилик маҳсулотларини етишириш ва бозордаги истеъмолчилар учун сифатли тайёр маҳсулот сифатида таклиф қилиш маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига эмас, балки етиширилаётган маҳсулотнинг таннархи, сифат кўрсаткичлари ва сотиш баҳоларига боғлиқ (1-жадвал).

Наслчиллик қоракўлчилик хўжаликларини ривожлантиришда мавжуд бўлган муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш мақсадида Қашқадарё вилояти «Қоракўл» уюшмаси таркибидағи 9 та қоракўл наслчиллик МЧЖларининг раҳбарлари ва бош мутахассисларидан 23 та ҳамда Ғузор туманидаги «Ғузор қоракўл наслчиллик» МЧЖидан 17 та, Нишон туманидаги «Нишон қоракўл наслчиллик» МЧЖидан 12 та, Муборак туманидаги «Муборак қоракўл наслчиллик» МЧЖидан 17 та, жами 69 та респондент ўртасида маҳсус анкета сўровномалари ўtkазилди.

«Қоракўл наслчиллик МЧЖларига биритирилган яйловларнинг аҳволи қай даражада» деб сўралганда қоракўл наслчиллик МЧЖ раҳбарлари ва бош мутахассисларининг 61,0 фоизи яйлов ҳосилдорлигини ўртacha, 13,0 фоизи яйлов ҳосилдорлигини паст ва 26,0 фоизи яйлов ҳосилдорлигини ёмон деб кўрсатишган.

Худди шунингдек, «Муборак қоракўл наслчиллик» МЧЖ, «Ғузор қоракўл наслчиллик» МЧЖ, «Нишон қоракўл наслчиллик» МЧЖларида мутахассислар ва ходимлардан 4 фоиз яйлов ҳосилдорлигини юқори, 18–26 фоиз яйлов ҳосилдорлигини яхши, 24–58 фоиз яйлов ҳосилдорлигини ўртacha, 6–24 фоиз яйлов ҳосилдорлиги паст, 24–35 фоиз яйлов ҳосилдорлигини ёмон ва 8–24 фоиз респондент яйловлар деградацияга учраган қисми кўпаймоқда деб кўрсатишган.

## 1-жадвал

### Қашқадарё вилояти «Қоракўл» уюшмаси тизимидағи қоракўл наслчилик МЧЖларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2019 й. 2014 й.га нисб.%
Қоракўл кўйлари бош сони	минг бош	221285	229201	221820	220842	176259	171114	77,3
Шу жумладан совликлар	минг бош	120181	123255	119624	121993	102895	94000	78,2
Совликлар салмоғи	фоиз	54,3	53,8	53,9	55,2	58,4	54,9	0,6 пункт
<b>Қоракўл тери</b>								
Ишлаб чиқариш	дона	38869	24894	26523	27492	35395	24287	62
1 дона қоракўл тери таннархи	сўм	23337	17585	20927	26277	24031	34279	146,9
1 дона сотиш баҳоси	сўм	26272	19128	21384	27704	27914	44113	167,9
1 дона қоракўл тери сотишдан олинган фойда+, зарар-	сўм	2935	1543	457	1427	3883	9834	335,1
Рентабеллик даражаси	фоиз	+12,6	+8,8	+2,2	+5,4	+16,2	+28,7	16,1 пункт
<b>Гўшт (тирик вазнда)</b>								
Ишлаб чиқариш	тонна	1703,0	1723,0	2224,0	2003,0	2258,0	1849,8	108,6
1 кг гўшт таннархи	сўм	3606	4470	4210	4214	6775	7221	200,2
1 кг гўшт ўртача баҳоси	сўм	4615	5789	5410	5318	7640	8667	187,8
1 кг гўшт (тирик вазнда) сотишдан олинган фойда+, зарар-	сўм	1009,0	1319,0	1200,0	1104,0	865,0	1446,0	143,3
Рентабеллик даражаси	фоиз	28,0	29,5	28,5	26,2	12,8	20,0	-8,0 пункт
<b>Жун</b>								
Ишлаб чиқариш	тонна	230	246	216	222	232	192	84
1 кг жун таннархи	сўм	909	711	544	489	859	1227	135,0
1 кг жун сотиш баҳоси	сўм	923	642	621	472	946	1295	140,3
1 кг жун сотишдан олинган фойда+, зарар-	сўм	14,0	-69,0	77,0	-17,0	87,0	68,0	485,7
Рентабеллик даражаси	фоиз	1,5	-9,7	14,2	-3,5	10,1	5,5	4,0 пункт

Қоракўлчиллик хўжаликлари чорвадорлари – чўпон ва мутахассислар ўртасида «Хўжаликка бириктирилган ер участкасини аниқ чегарасини биласизми?» деган саволга Нишон, Муборак ва Ғузор туманларидан мос

<sup>14</sup> Қашқадарё вилояти "Қоракўл" уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

равища 71,4; 78,9 ва 84,2 фоиз респондентлар билишини ва 14,3; 21,1 ва 10,5 фоиз респондентлар ўз ялов ерларининг чегараларини билишмасликларини билдиришган. Албатта, бу қўрсаткичлар жами респондентлар сонига нисбатан паст бўлиши мумкин, аммо ялов ҳудудларидан йил давомида тизимсиз фойдаланиб, унинг аниқ чегарасини билмасликлари катта муаммоларни келтириб чиқаришларига асос бўлади.

Яловларда табиий ва инсон омили натижасида юзага келаётган таназзул жараёнларини олдини олиш мақсадида яловларни мустақил бошқариш механизмини демократик тамойиллар, кўнгиллилик ва ихтиёрийлик асосида шакллантириш мақсадга мувофик. Мазкур тамойилларни амалиётда, қишлоқ аҳолиси ҳаётида жорий қилишда ялов ерларидан аҳоли томонидан жамоа бўлиб фойдаланишни йўлга қўйиш, ўз-ўзини назорат қилишни таъминлаш, яловдан фойдаланишда илмий асосланган ва амалий самарали бўлган тартибни танлаш ҳамда тизимли қўллашга эришиш, унинг ўсимлик дунёсини сақлаш ва кўпайтириш, ҳосилдорлик даражасини доимий равища оширишни бош мақсад сифатида илгари суриш талаб этилади.

Ялов чорвачилиги шароитида ялов ерларидан фойдаланишни бошқариш пировард натижада чорвачиликни бошқаришга ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам имконият яратади.

Чўл-ялов ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари учун атрофдаги ялов ер майдонлари, аҳоли қарамоғидаги чорва молларининг сони, маҳсулдорлиги ва яқин истиқболда кутилаётган чорва мол бош сонларини ҳисобга олиб, наслчилик қоракўлчилик хўжаликларининг ер балансидан чиқарилиши ва аҳолининг ихтиёрий бирлашуви ҳамда эркинлиги кафолатланган ҳолда «Яловдан фойдаланувчилар уюшмаси»ни ташкил қилиниши мақсадга мувофик.

Уюшма ташкил этилишидан кутилаётган асосий мақсад – қишлоқ аҳолисининг (дехқон хўжаликлари) сони, улардаги мавжуд чорва моллари бош сони ва истиқболда уларнинг кўпайишини ҳисобга олган ҳолда маълум бир ҳудуддаги ялов ерларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра, яловларни доимий эгалик қилишга, ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун ажратиб олиш, дехқон хўжаликлидаги чорва молларини яловлардан режали ва тизимли фойдаланиш асосида самарали боқишини ташкил этиш, чорвачиликни барқарор ривожлантириш ва ушбу ҳудудда биохилма-хилликни сақлаш ҳамда кўриқлашни мутаносиб равища амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни эркинлаштириш тамойиллари асосида тармоқ самарадорлигини ошириш»** деб номланган учинчи бобида қоракўлчилик кластерларини ривожлантириш асосида тармоқда қўшилган қиймат занжирини кўпайтириш, қоракўлчилик фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда қоракўлчиликда ички хўжалик шартнома муносабатларини эркинлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали бошқарув тизимини


шакллантириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётган вақтда чорвачилик соҳасининг энг йирик ва мураккаб тармоғи ҳисобланадиган қоракўлчилик тармоғида бозор муносабатлари ва тамойилларига мос бўлган кластерлар тузилмалари ташкил қилинмоқда. Диссертация ишида қоракўлчилик кластерларининг самарали фаолият кўрсатишнинг ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан устувор йўналишлари илмий жиҳатдан асосланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6059-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 705-сон қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, қоракўлчиликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, қоракўлчилик кластерларини ташкил қилган ҳолда хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишини давлат томонидан қўллаб-куватлаш, жойларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш белгиланди.

